O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 31-AVGUST ■ SESHANBA ■ 106-107 (27.282) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги ПФ-3481-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Болалар спортини ривожлантириш ва айниқса қишлоқ жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этиш умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаси, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисми деб ҳисоблансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган умумий сони 81 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 61 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкилий тузилмаси, Жамғарма марказий ижро этувчи аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари тузилмаси ва штатдаги ходимлари сони;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижро этувчи директори айни бир вақтда лавозимига кўра Халқ таълими вазирининг ўринбосари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Қуйидагилар:

Жамғарманинг Ҳомийлик кенгаши ва Жамғарманинг минтақавий филиаллари ҳомийлик кенгашлари, уларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақлаб қолинсин, болалар спортини янада ривожлантириш чора-тадбирларини давлат сиёсати даражасида амалга ошириш, ушбу мақсадга эришиш учун давлат тузилмалари билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш унинг асосий мақсади этиб белгилансин;

(Давоми 2-бетда.)

## ЯНГИ ИНШООТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ







Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида пойтахтимизда янги ва равон кўчалар, транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган, айни пайтда қўшимча харажат ва вақтни тежаган ҳолда турли мавзе ва кўчаларни бир-бири билан боғлайдиган замонавий кўприклар бунёд этилмоқда.

Истиқлол байрами арафасида Тошкентнинг Амир Темур кўчаси билан Ҳусниддин Асомов кўчаси кесишган чорраҳада янги кўприк фойдаланишга топширилди. «БошпланЛИТИ» институти мутахассислари лойиҳаси асосида «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмасига мувофиқ «Кўприкқурилиш» ҳамда «Шаҳарқурилиштаъмир» тресті бунёдкорлари бу юмушни етти ойда бажарди.

Президент Ислом Каримов 29 август куни мазкур кўприкни бориб кўрди.

Мамлакатимиз раҳбари қурувчи ва лойиҳачилар билан суҳбат чоғида Тошкент кичик халқа йўлининг узвий қисмига айланган узунлиги 823 метр, эни 28 метр бу иншоотнинг барпо этилишидан мақсад автомобиллар қатнови тиғизлиги ва сарф-харажатларни кескин камайтириш эканини таъкидлади. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар икки йўналишда учтадан йўл ва йўлакларга эга замонавий кўприк бир кеча-кундузда ўттиз мингтагача автотранспорт воситасининг узоғини яқин қилади.

Президент Ислом Каримов «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида Чорсу бозори яқинида барпо этилиб, Мустақилликнинг 13 йиллиги байрами арафасида ишга туширилган 4-оилавий поликлиника билан ҳам танишди.

Шифохонада 150 нафар мутахассис ишлайди. Поликлиника хизмат кўрсатадиган ҳудуд тўққиз участкага бўлинган. Ҳар бир участка оилавий шифокорига қарийб 200-250 оила бириктилган. Поликлиникага қатнайдиганларнинг умумий сони 25 минг кишини ташкил этади. Шифокорлар уларга режали равишда малакали тиббий хизмат кўрсатади. Эътиборли томони, мазкур оилавий поликлиника туну кун ишлайди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлиғини мустаҳкамлаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бўлиб қолаверишини таъкидлади. Зеро, аёл соғлиғи — миллат соғлиғи, жамият камолидир.

Истиқлол байрами арафасида юртимизда еттита қўшма корхона ишга туширилди. Шулардан бири «Сағбон-текстил» қўшма корхонасидир. Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Туркиянинг «Седат текстил» фирмаси ҳамкорлигида ташкил этган мазкур корхонанинг ишга тушиши 320 кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Мамлакатимиз раҳбари ана шу корхона фаолияти билан танишди.

Қўшма корхонада бир йилда 1,8 миллион дона трикотаж маҳсулотлари тайёрланади.

Ислом Каримов янги қўшма корхонада меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбатлашди, уларнинг иш шароити, ижтимоий муҳофазаси билан қизиқди. Мана шундай замонавий иш жойларини яратиш орқали хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада оширишимиз лозим, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Мустақиллик майдони рўпарасида қад ростлаган яна бир кўркам сарой — Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси пойтахтимизнинг қиёфасига янги мазмун бахш этди, гўзал қирралар билан бойитди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки буюртмаси билан Туркиянинг «AY SEL Construction, Contracting and Trade Co.Inc» пудратчилигида барпо этилган ушбу санъат иншоотининг қиёфаси ва шаклу шамойили беназир, мақсад ва аҳамияти эса беқиёс.

Юртбошимиз Истиқлол байрамига муносиб туҳфа бўлган мазкур галереяни бориб кўрди.

Ислом Каримов галереяни барпо этиш замирида тасвирий санъат борасидаги ноёб иқтидор эгаларини рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби хайрли вазифалар турганини таъкидлади. Айни пайтда ушбу масканга улкан маънавий талаб қўйилади. Санъат музейи ўз номи билан музей. Галерея — энг сара асарлар намойиш этиладиган, йиғиладиган ва сақланадиган маскан. Мазкур галерея иқтидорли рассомларимизнинг ёрқин асарларини жаҳонга намойиш этишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари галереянинг моҳияти ҳақида сўзлар экан, у тўла маънода фаолият юритиши учун катта журъат ва азму шижоат талаб этилишини таъкидлади. Чунки галереяга жуда юксак талаблар қўйилади. Ҳар бир галерея ўша жамиятнинг савиясини, даражасини, кўзлаган мақсадларини ифодалайди, десак хато бўлмайди.

Президент Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодий ривожланиш йўлидаги эзгу ишлар маънавий юксалиш ҳаракатлари билан чамбарчас, уйғун олиб борилмоғи даркор. Истиқлолнинг 13 йиллигига муносиб туҳфа сифатида фойдаланишга топширилган мазкур галерея ва бошқа иншоотлар шу тамойилга асосланган сиёсатимизнинг яна бир ифодаси, аниқроғи, самараси десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**(ЎзА)**

●●●

**Суратларда:** пойтахтдаги янги бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Дилшод ЮСУПОВ, Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бугун дунё аҳли ўзбекистонлик ёш шахмат усталарининг ақл-заковатига, салоҳият ва маҳоратига тан бермоқда. Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини қўлга киритиши бунинг яққол мисолидир.



**Суратда:** ёш шахматчилар Тимур Гареев ва Сирожиддин Зайниддинов.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

Германиянинг Малент шаҳрида заиф эшитувчилар ўртасида ўтказилган 1-жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Сирожиддин Зайниддинов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ҳиндистонда ўтган жаҳон ёшлар олимпиадасида эса ўн олти ёшли Тимур Гареев халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида ғолибларни шарафлаш маросими бўлди. Унда вазирлик, қўмита, халқаро ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, спортчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш борасида кўрсатилаётган катта ғамхўрлик йигит-қизларимизнинг халқаро спорт майдонларида улкан ютуқларни қўлга киритишида муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу навқирон шахматчиларга йўллаган табрикларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

«Германияда ўтган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритганингни эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим, — дейилади Юртбошимизнинг С.Зайниддиновга йўллаган табригида.

(Давоми 2-бетда.)



## ВАТАН СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

Кеча кечқурун Тошкент халқаро аэропортида олимпиадада муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз катта шодиёналар билан кутиб олинди. Олимпиячиларимиз мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллик тўйига муносиб совға — 2 та олтин, 1 кумуш ва 2 та бронза медали олиб келишди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев тантанада сўзга чиқиб, олимпиячиларимизни қутлади.

ATHENS 2004



Артур ТАЙМАЗОВ

Ўзбекистон спортчилари олимпиаданинг охирги икки кунида ўз мухлисларини беҳад хурсанд қилди. Айниқса, эркин кураш бўйича ўта оғир вазн тоифасида Артур Таймазов (120 кг.)нинг қўлга киритган ғалабаси Ватанимиз олимпия тарихида яна бир янги саҳифа очди. Ҳамюртимиз мусобақанинг дастлабки босқичларида Болгария, Озарбайжон, Россия сингари давлатларнинг етакчи курашчиларини мағлубиятга учратганди. Оддий қилиб айтганда, Жаҳон чемпиони ва Сидней олимпиадаси кумуш медали соҳиби Артур Таймазов Афинага улкан мақсадлар билан ташриф буюрганлигини исботлади. У ярим финалда жаҳон чемпионати совриндори Айдин Пўлатчи (Туркия)ни катта устунлик билан енгди — 4:1.



Магомед ИБРАГИМОВ

24 августда эркин курашчиларимизни Тошкент халқаро аэропортида Афинага кузатаётганимизда, моҳир спортчимиздан интервью олишга нечоғли уринмайлик, бунинг уддасидан чиқа олмагандик. **«Бундай муҳим мусобақалар олдидан савол-жавобга ҳожат йўқ. Агар Афина олимпиадасидан олтин медаль билан қайтсам, бошқа гап. Мен сизларнинг истаган саволингизга бажонидил жавоб бераман»**, деган эди Артур Таймазов ўшанда.

Эзгу ният инсоннинг ҳамиша йўлдоши бўлади. Дарҳақиқат, Артур олимпиаданинг финалида Эроннинг энг номдор курашчиларидан бири Алиризо Ризойи устидан соф ғалаба қозонди. Таймазовнинг ушбу ютуғи Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобидаги олтин медаллар сонини иккитага етказди.

8-бет



Ўткирбек ҲАЙДАРОВ, Баходиржон СУЛТОНОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Юз йиллар мобайнида халқларимизни мустаҳкам дўстлик, самарали иқтисодий ва маданий ҳамкорлик риштлари боғлаб турибди. Бугунги кунда икки томонлама муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, бойиб бормоқда, янги истиқболлар касб этмоқда. Россия билан Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қоидаларини рўёбга чиқариш ана шу муносабатларни ривожлантиришга жиддий омил бахш этади.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик бундан буён ҳам Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб қолаверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва давлат ишларидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 13 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбекистон Республикасининг дўст халқини муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикаси халқи ўн уч йил мобайнида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлиги остида ўз мамлакатининг миллий хусусиятларига мос тарздаги тараққиёт йўлидан муттасил олға бормоқда, ички барқарорликни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, миллий иқтисодиётни ривожлантириб, ташқи алоқаларни кенгайтирмоқда ва ғоят катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Бунга биз чин қалбдан қувонмоқдамиз.

Ҳар икки томоннинг муштарак саъй-ҳаракатлари туфайли Хитой — Ўзбекистон муносабатларида соғлом ва барқарор ривожланишдан иборат қулай йўналиш кузатилмоқда. Яқинда юртингизга ташрифим вақтида биз ХХР билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва дўстона ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш борасида Сиз, Жаноби Олийлари билан якдилликка эришдик. Мен бундан буён ҳам Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда Хитой — Ўзбекистон муносабатларини муттасил ривожлантириб боришга, мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳамда халқларимизнинг фаровонлиги йўлида минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашишга тайёрман.

Мамлакатингизга равнақ ва куч-қудрат, унинг халқига бахт-саодат тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар ва омонлик тилаб қоламан.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мустақиллик байрами кунида мен Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат, равнақ ва тинч-осойишта истиқболни тилаб билдирган энг эзгу истакларим ила ғоят қизғин қутловларимни катта мамнуният билан йўллайман.

**Елизавета ИККИНЧИ,**
**Буюк Британия Қироличаси**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами муносабати билан Польша халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда бутун Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва эзгу тилаклар йўллайман.

Ишончим комилки, замонавий демократик давлатни барпо этишдаги изчиллик Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсишига кўмаклашади, бу эса ўз навбатида кейинги йилларда янгича жўшқинлик касб этган Польша-Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантиради. Сизни ишонтириб айтаманки, Польша мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бундан буён ҳам мустаҳкамланишидан доимо манфаатдордир.

Шахсий ҳаётингизда омонлик ҳамда Ватан манфаатлари йўлидаги масъулиятли хизматингизни бажаришда кўпдан-кўп муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Александер КВАСЬНЕВСКИ,**
**Польша Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — 1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан Болгария халқи ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сизни ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, 2003 йилнинг ноябрида Сизнинг Болгарияга буюрган давлат ташрифингиз ва ўшанда эришилган аҳдлашувлар икки томонлама сиёсий мулоқотни, мамлакатларимизнинг, болгар ва ўзбек халқларининг дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги дўстона муносабатлари ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилди.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни яна бир бор изҳор этаман ҳамда мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлидаги юксак масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

**Георги ПАРВАНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга қизғин ва самимий қутловлар ҳамда шахсан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг дўст халқига равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, савдо-иқтисодий муносабатларимиз, мулоқот ва ҳамкорлигимиз, учрашувларимизда аҳдлашиб олганимиздек, бундан буён ҳам икки мамлакат ва халқларимиз манфаатлари йўлида тобора ривожланиб, кенгайиб бораверишини учун шарт-шароит мавжуддир.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Ион ИЛИЕСКУ,**
**Румыния Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлаши муносабати билан Исроил халқи ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин қутловлар ва эзгу тилакларимни йўллаб, Ўзбекистон ва унинг халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Чуқур эҳтиром ва эзгу тилаклар ила,

**Моше КАЦАВ,**
**Исроил Давлати Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Зоти Олийларини ҳамда дўст ва биродар ўзбек халқини Туркия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман.

Илдизи тарихан бир, ришталари умумий бўлган мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг келажакда ҳам ўзаро фойдали асосларда давом этишига ишонаман. Бу ҳамкорлигимиз мамлакатларимизнинг ҳам, минтақамизнинг ҳам барқарорлиги ва фаровонлигига ҳисса қўшади, деган фикрдаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Зоти Олийларига саломатлик ва бахт, дўст ва биродар ўзбек халқига фаровонлик ва омонлик тилайман.

**Аҳмет Неждет СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Зоти Олийларини ва Сиз орқали ўзбек халқини энг самимий тилакларим билан табриклайман.

Туркия Ўзбекистон билан муносабатларига алоҳида аҳамият беради. Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг бундан кейин ҳам муваффақиятли тарзда ривожланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Зоти Олийларига саломатлик ва бахт, дўст ва биродар ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик ва омонлик тилайман.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Бош вазири**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

болалар спортини ривожлантириш ишида илгари Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Маҳалла» жамғармасига ва бошқа тузилмаларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақланиб қолсин.

5. Белгилансинки:

Жамғарманинг шаҳарлар ва туманлардаги минтақавий филиаллари вакиллари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади ва ўз фаолиятида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига ҳисобот беради;

болалар спорт иншоотларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш дастурлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг қабул қилинган қарорлари амалга оширилиши устидан назорат қилиш Жамғарма минтақавий филиаллари вакилларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилишининг муҳим таркибий қисми сифатида Болалар спортини ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирилган ишлар дастурини ишлаб чиқсин.

Болалар спортини ривожлантириш дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ўзаро боғлиқлиги бўйича ишларни мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилиши мониторинги бошқармасининг болалар спортини ривожлантириш бўлимига юклансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағлари ҳисобига янгидан қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан тикланаётган болалар спорти объектлари фойдаланиш учун туман (шаҳар) ҳокимият ва бошқарув органлари балансига берилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобига қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган болалар спорти объектларини қабул қилиб олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади;

болалар спорти иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватларидан энг тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш, самарали фаолиятни ташкил этиш ва спорт секцияларини методик таъминлаш, уларни малакали спорт мураббийлари билан таъминлаш учун масъулият туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юкланади.

8. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар болалар спорти иншоотларини намунавий лойиҳалар қўлланилмасдан ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ бўлмаган ҳолда қуриш ва реконструкция қилиш қатъиян тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

болалар спорти объектлари қуриш ва уларни реконструкция қилишга танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши ва пухта ташкил этилишини таъминласин;

болалар спорти иншоотлари қуриш ва уларни реконструкция қилиш ишларини бажаришда намунавий лойиҳалар ва тасдиқланган қурилиш қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Бунда қурилаётган ва реконструкция қилинаётган болалар спорти иншоотлари хавфсизлиги ҳамда кейинчалик улардан фойдаланиш жараёнида хавфсизлик талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

маҳаллий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига янгидан қурилаётган объектлар ва реконструкция қилинаётган болалар спорти объектлари устидан техник назорат қилиш амалиётини жорий этсин.

9. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига 3-6-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига 1 ва 2 — иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 август

# ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Агар одам ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлда қийинчилик ва машаққатларни ирода ва сабот билан енгиб, қатъият билан олға интилса, ҳеч шубҳасиз, кўзлаган марраларига, албатта, етади. Сен эришган бу юксак ғалаба мана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Сени тарбиялаб вояга етказган ота-онангга, истеъдодингни рўёбга чиқаришда беминнат хизмат қилган устоз-мураббийларингга миннатдорлик билдираман.

Сенга ҳаётда ва спортда бахт ва омадлар тилайман».

Юртбошимиз Тимур Гареевни ҳам ўз иқтидори орқали жаҳон узра Ўзбекистонимизни яна бир бор намоён қила олгани билан самимий қутлаб, келгусида янада улкан зафарлар ёр бўлишини тилаган.

Иқтидорли шахматчиларга мамлакатимиз раҳбарининг совғаси — компьютерлар топширилди.

Президентимиз бир неча йил бурун Рустам Қосимжоновга ҳам компьютер ҳадя қилган эди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган Рустам ўшанда жаҳон шахмат тожини Ўзбекистонга олиб келишга ваъда берган эди. У ваъдасининг устидан чиқди. Бунга бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Умид қиламизки, вақти келиб Сирожиддин ҳам, Тимур ҳам ана шундай юксак ютуқларга эришади. Ватанимиз довруғини оламаро янада кенгроқ таратишга ўзларининг муносиб улушини қўшадилар.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Биз билган ва билмаган тарих**

# ОҒИР СИНОВЛАР ДАВРИ

Бундан ўн беш йил илгари, яъни 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошида, она юртимиз мустабид тузум томонидан уюштирилган қонли можаролар гирдобида бўғилиб ётган паллада Оллоҳнинг энг буюк неъмати бўлган Мустақилликка эришишимизни, Ўзбекистонни дунёдаги энг қудратли мамлакатларнинг стратегик ҳамкорига айланишини тасаввуримизга сиғдира олармидик? Хўрланган тилимиз, тазйиқ остига олинган муқаддас динимиз, тақиқланган, таҳқирланган урф-одатларимиз, байрамларимизнинг қайта тикланиши, вайронага айлантирилган зиёратгоҳларнинг обод бўлишига ишонармидик? Кимдир беш-олти йилдан сўнг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар кўчаларимизда дарё бўлиб оқади, халқимиз фарзандлари илм-фан ва спорт соҳаларида жаҳон шоҳсупаларидан ўрин олади, деса, ишонадиган бирор кимса топилармиди?

Бугун Мустақиллик ва унинг неъматлари табиий қабул қилинувчи, худди ўзи шундай бўлиши лозимдек воқеликка айланди. Аммо биз ҳеч қачон не-не аждодларимиз қарамлик ва мутеликда, озодликнинг юзини кўрмай, унинг нима эканини билмай армон билан ўтиб кетганини унутмаслигимиз керак. Мустабид тузумнинг бизни манқуртларга айлантиришдан иборат мудҳиш тажрибасига тақдир тақозоси билан барҳам берилмаганида миллат сифатида йўқ бўлиб кетишимиз ҳеч гап эмасди. Мустақиллик халқимизни мана шундай даҳшатли фожиадан қутқариб қолганини ҳар доим ёдда тутишимиз керак.

Биз шу кунларда озодлигимизнинг 13 йиллигини энг улуғ, энг азиз байрам сифатида нишонламоқдамиз. Донишмандларнинг «мозийга қараб иш тутиш хайрлидир», деган ақидасига риоя қилиб, шу улуғ айём арафасида яқин тарихда, яъни 1991 йили содир бўлган баъзи воқеаларни эслаб ўтишга жазм этдик...

### МУСТАҚИЛЛИКДАН БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ

Маълумки, 70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошига келиб шўролар империясида турғунлик даври бошланди. Миллионлаб бегуноҳ одамларнинг қони билан йўғрилган салтанат нурай бошлади. Собиқ марказ жон-жаҳди билан шўролар тизимини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Юрий Андропов даврида таназзулга юз тутган иттифоқни кескин жазо чоралари билан соғломлаштиришмоқчи бўлишди. Михаил Горбачёв ҳокимият тепасига келгандан сўнг эса «қайта қуриш» деган, моҳияти ва мақсади ҳануз мавҳум бўлиб қолаётган жараён бошланди. Асосан қуруқ сафсатадан иборат бу сиёсат мавжуд иқтисодий инқирозни янада чуқурлаштирди, сиёсий тангликни кучайтирди. Оқибатда дунёнинг олтидан бирини эгаллаган империядаги вазият шиддат билан издан чиқа бошлади. Собиқ СССРнинг хомашё базасига айлантирилган Ўзбекистондаги аҳвол бошқа иттифоқдош республикалардагидан бир неча марта оғир эди. Бу мушкул аҳволни Президент Ислом Каримов ўша пайтдаги нутқида қуйидагича таърифлаган: **«Биз ҳаммамиз ҳақиқат кўзига тик қарашимиз керак. Чунки кундан-кунга оғирлашиб кетаётган, қанча давом этишини ҳозир айтиш қийин бўлган синовлар олдида турибмиз. Келажакдаги порлоқ ҳаёт учун замин тайёрлаш ана шу синовлардан халқимизни, бизларга ишонган фуқароларни бурнини қонатмасдан, йўқотишларга йўл қўймасдан олиб ўтишни тақозо этади. Шундагина зиммамиздаги бурчни бажарган, одамларнинг ишончини оқлаган бўламиз».**

Аммо Ўзбекистондаги вазиятни барқарорлаштириш жуда катта куч-ғайрат талаб қилар, собиқ империянинг турли бурчакларида содир бўлган ҳар бир воқеа, қонли тўқнашувлар ўз таъсирини кўрсатарди. Ҳокимиятсизлик, ҳамма нарсага қора чаплаш, сиёсий бошбошдоқлик, пухта ўйламасдан, шошма-шошарлик билан амалга оширилаётган хом тажрибалар, таваккалчилик мамлакатни боши берк кўчага олиб кириб қўйган эди. Иттифоқдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилиб, очарчилик хавфи пайдо бўла бошлаган худди уруш йилларидагидек, дўконларда ёғ, гуруч, шакар каби асосий озиқ-овқат маҳсулотлари махсус карточка орқали сотиларди. Ўзбек миллати нафақат иқтисодий, балки маънавий зарбалар остида қолган, унга «боқиманда», «миллатчи» сингари асоссиз туҳматлар бўҳрони ёғдирила бошланганди.

Президент Ислом Каримов 1991 йили қайта қуриш раҳнамоларининг хатти-ҳаракатлари сабабли юзага келган вазиятни шундай изоҳлаган: **«Иккинчи жаҳон уруши давридан бери жамиятимизда бунчалик оғир шароит бўлмаган эди. Сиёсий таназзул кучайди, турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг ўзбошимчалиги, қарама-қаршилик, адоват уруғлари жамият барқарорлигини ларзага солмоқда. Республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар жар ёқасига бориб қолди. Моддий-техника ресурслари билан таъминлаш режалари барбод бўлмоқда. Пухта ўйламасдан бошлаб қўйилган қатор ишларга харид бозоридаги қийинчиликлар қўшилиб, ҳаммаёқ чалкашиб бормоқда. Саноат ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш муттасил пасаймоқда. Пулнинг қадри тушиб кетяпти, нарх-наво ошмоқда. Халқнинг озиқ-овқат ва моддий таъминоти ёмонлашяпти, унинг тинчлиги бузиляпти».**

Вазият қалтислигидан саросимага тушган собиқ марказ раҳбарияти шўро армиясини ишга солиб, 1991 йилнинг бошида Болтиқбўйи республикаларига қўшин киргизади, тинч аҳолини ўққа тутади. Бу зўравонлик собиқ тузумга нисбатан нафратни янада кучайтирган. Бугун тасаввур қилиш қанчалик қийин бўлмасин, ўша йилларда ўнлаб миллатлар, халқлар, элатлар зўравонлик билан қориштирилган қизил империя фуқаролар уруши ёқасига келиб қолган эди. Муайян тажовузкор қора кучлар Марказий Осиёда ҳам миллатлараро низолар келтириб чиқаришга уринишган. Бунинг учун эса 20-30-йилларда мустабид тузум томонидан қасддан ўрнатилган «секин портловчи бомба»ни, яъни Марказий Осиёдаги чегараларни қайта кўриб чиқиш даъвосини қўзғашган. Бошқа халқларнинг ҳудудларига, шаҳарларига эгалик қилишни даъво қилувчи тажовузкор гуруҳлар пайдо бўлган. Агар ўз вақтида уларнинг пайи қирқилмаганида минтақамизда катта фожиалар содир этилиши, юз минглаб бегуноҳ одамлар ҳалок бўлиши турган гап эди. Афсуски, вазмин, узоқни кўрадиган етакчилар кам бўлиб, эҳтирос билан ўз оёғига болта ураётган сиёсатдонлар кўп бўлган. Чунки сабр косаси тўлган, саросимага тушган одамларнинг эҳтиросини қўзғаш катта ақл талаб қилмаган.

1991 йили қизил империяда содир бўлган воқеаларнинг таҳлили собиқ марказнинг раҳбарлари «вазият қанча ёмон бўлса, бизга шунча яхши» қабилида иш тутганидан далолат беради. Чунки вазиятни, аввало, тамомила издан чиқариб, сўнгра қурол кучи билан бостириш йўли орқалигина тузумни ҳалокатдан сақлаб қолиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам муайян гуруҳлар одамлар орасида турли ваҳимали гаплар тарқатишган, уларнинг онгига СССРсиз ҳамма жойда уруш бошланиб, одамлар қирилиб кетади, деган фикрни сингдиришган. Марказ раҳбарлари эса «ҳаммаси назорат остида, жараён давом этмоқда» қабилидаги мавҳум гаплар билан вазиятни хаспўшлаб туришган. Ўзбекистон раҳбари эса ўша даврдаги вазиятни ҳаққоний таърифлаб, 1991 йили шундай деган: **«Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Халқ эртанги кунга ишончини кундан-кунга йўқотаяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлиги кафолатини истайди. Тўкис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозликлар остида кўмилиб кетаяпти».**

Анархияни эслатадиган шундай вазият дафъатан пайдо бўлган маҳаллий сиёсатдонларга ҳам жуда қўл келган. Уларда қўлимни узатсам бас, ҳокимият меники бўлади, деган тушунча пайдо бўлган. Улар демократияни оломончилик, митингбозликка айлантириб, одамларни, айниқса, ёшларни оммавий тартибсизликларга ундашган. Улар амалга ошмайдиган, ҳаётий ҳақиқатга мутлақо зид ваъдалар билан обрў орттиришга интилган ва ҳукуматдан ўн йиллар мобайнида ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммоларни бир неча ҳафтада ечиб беришни талаб қилишган. Муаммолар ботқоғига чўкиб қолган улкан империяни 300-500 кунда «жаннат»га айлантиришни ваъда қиладиган «иқтисодчилар» майдонга чиққан. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам биргина пахтанинг эвазига аҳолини ўн йил боқиш мумкин, деган хомхаёллар пайдо бўлган. Табиийки, иқтисодий қийинчиликлар исканжасига тушиб қолган одамларга ҳақ гапни, жумладан, рўшноликка узоқ йиллар машаққат билан меҳнат қилиб, тер тўкиб эришиш мумкинлигини уқтириш осон бўлмаган.

Ўзбекистонда ўша йиллардаги энг даҳшатли ҳол — ижтимоий тизимнинг барбод бўлиши эмас, балки одамларнинг эртанги кунга умид-ишончининг пучга чиқиши эди. Гап фақат юқорида айтилган шўролар салтанатида юзага келган қийинчиликлар ҳақида кетаётгани йўқ. Ваҳоланки, уларнинг ўзи ҳам жамиятни бутунлай издан чиқариб юборадиган даражага етиб борган. Устига-устак, ўзбек халқи «пахта иши» ва «Фарғона воқеалари» каби собиқ марказнинг маккор кучлари томонидан амалга оширилган фожиалар воситасида хўрландилар, ҳақоратландилар. Оммавий ахборот воситаларида халқимизни бадном қилиш бўйича жуда катта кампания уюштирилган. Воқеалар ва мусибатлар шиддатидан кўпчилик эсанкираб қолган, ўзини-ўзи ёқиб юборган, жонига қасд қилганларнинг сони ортиб борган. Мана шундай шароитда Ўзбекистон Республикаси раҳбари халққа қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилган эди.

**«Сизларни ишонтириб айтаманки, улуғ ўзбек халқининг қаддини ростлаб оламиз, руҳини кўтарамиз, ғурурини тиклаб, олдимизга қўйилган мақсадга эришамиз, албатта. Ана шу эзгу мақсад йўлида ақл-идрокимизни, бутун куч-қувватимизни аямайлик».**

Бундай қатъиятли фикрни баралла айтиш жуда катта жасорат талаб қиларди. Чунки мустабид тузум халқнинг ғуруруни тикламоқчи бўлганларни «миллатчи», «халқ душмани» каби турли сохта айбловлар билан йўқ қилиб ташлаши ҳеч гап бўлмаган. Қолаверса, **«мақсадимизга эришамиз»** деган сўз аслида, **«мустақиликка эришамиз»** деган, тоталитар тузум раҳнамолари ва уларнинг маҳаллий вакилларини жазавага соладиган маънони англатган.

Мустақиллик деганда, беихтиёр ёдимизга 1991 йилнинг 31 августи келади. Бу – халқимиз янги тарихининг энг шонли ва унутилмас санаси. Аммо мустақиллик учун кураш анча олдин бошланган. Агар оммавий ахборот воситаларида чоп этил-




ган тарихий ҳужжатларни, нутқларни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йилнинг бошидаёқ нафақат марказдан сўроқсиз мустақил сиёсат олиб боргани, айни пайтда бошқаларни ҳам марказга бўйсунмасликка чақирганининг шоҳиди бўламиз.

Бинобарин, Германияда чоп этиладиган «Вебсайд» ҳафтаномасининг 1991 йил 18 февраль сонида Президент Ислом Каримовнинг интервьюси эълон қилинган ва унда Мустақиллик ғоясини қатъий таъкидлаб, унга қарши чиқаётганларни жиноятчиликда айблаган: **«Мустақилликдан бошқа йўл йўқ. Буни марказдаги баъзи бир кимсалар тан олмаётганлиги жиноятдан бошқа нарса эмас».**

Мустақиллик бугун биз учун воқелик бўлиб қолди. Аммо ўша даврда бу ҳақда расмий йиғилишларда, биринчи раҳбар томонидан гапирилиши, «бу йўлдан қайтмаймиз» деб қайта-қайта таъкидланиши собиқ марказ сиёсатига очиқдан-очиқ қарши чиқиш билан баробар бўлган. Марказни қўя турайлик, Ўзбекистоннинг ўзида Мустақиллик деган сўздан ваҳимага тушадиган, унга қарши жон-жаҳди билан курашадиганлар ҳам етарлича бўлган.

**Қуддус АЪЗАМОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари**

(Давоми бор.)

**ҲАР БИР МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СЎНГ УНИНГ ОЛДИДА КЎПДАН-КЎП МУҲИМ МАСАЛАЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ. ШУНДАЙ ЭЗГУ ИШЛАРДАН БИРИ БУГУНГИ ҚУТЛУҒ КУНЛАРГА ЭРИШИШИМИЗГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ИНСОНЛАР ХОТИРАСИНИ ЭЪЗОЗЛАШ БЎЛМОҒИ КЕРАК.**

**Ислом КАРИМОВ**

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

# «ШАҲИДМОЗОР» ТЕПАЛИГИНИНГ СИРИ



Суратда: Тошкентдаги Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи

БУНДАН 84 ЙИЛ МУҚАДДАМ; 1920 ЙИЛНИНГ ЭРТА БАҲОРИДА ШЎРО АСКАРЛАРИ ФАРҒОНАНИНГ ЎҚЧИ ВА РАЖАБГАРДИ ҚИШЛОҚЛАРИДА ТАХМИНАН 700 НАФАРДАН ЗИЁД БЕГУНОҲ ДЕҲҚОНЛАР, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ҚИРИБ ТАШЛАГАН ЭДИ

Ўқчи қишлоғи Олой тоғлари этагида, Сўх дарёси тоғлар орасидан оқиб чиқиб, икки-учта каналга бўлинадиган сувбоши даштлар кафтида жойлашган. Табиати гўзал, баҳаво. Ўқчидан сал қуйироқдаги Ражабгарди қишлоғи ҳам ўз боғ-роғлари, сархил мевалари билан машҳур. Мана шу жаннатмонанд масканлар қўйнида даҳшатли фожиа юз берган эди...

Ўқчи қишлоғида, маҳалла чойхонасидан хиёл нарироқда юзасини ёввойи ўт-ўланлар, шўра-шувоқ қоплаган тепалик бор. Тепалик атрофи хонадонлар билан ўралган. Маҳаллий аҳоли «Шаҳидмозор» деб айтадиган бу жойга ҳеч ким дахл қилмайди. Гарчи тепалик бино бўлганига 80 йилдан ортиқ вақт ўтган эсада бирон бир киши уни бузиб экинзорга айлантириш ёки ўрнида имора қуришга журъат этмаган. Ёш-ялангнинг «Бу қандай тепалик ўзи? Нега «Шаҳидмозор» деб юритишади?» деган саволларига қишлоқ кексалари илгарилари сукут билан жавоб қайтаришар, жуда жонҳолига қўйишмаса атрофга қўрқинч ила аланглаб «қўй, болам, суриштирма, бунинг кераги йўқ» қабилида жавоб билан кифояланишарди. Бунинг жиддий сабаби бор: «Шаҳидмозор»нинг асл тарихи билан қизиққан, уни ўрганишга чоғланган одамлар билан дарҳол тегишли идоралар шуғуллана бошлашини 30-40 ва ундан кейинги йиллар қатағонларини бошдан кечирганлар жуда яхши тушунишарди. Зеро, бу тепалик қаърида шўро ҳукуматининг халққа, ўзбек миллатига қилган мудҳиш жиноятларидан бири яширинган эди...

Яқинда «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси, маданиятимиз, тарихимиз фидойиларидан Усмон ота Бегматов мени йўқлаб қолди.

— Ўзбекистон туманидаги Ўқчи ва Ражабгарди қишлоқларида 1920 йили шўро аскарлари беомон қирғин ўтказишган. Шу қирғинлар тарихи билан қизиқиб ўша жойларга бориб қолдим. Бу воқеани яхши эслайдиган қариялар ҳали ҳам бор. Шу пайтгача ёдлаш, воқеанинг ҳақиқий тафсилотларини ёритиш бўйича деярли иш қилинмаган. Бир ўрганиб кўринг, — деди у киши.

Дарҳақиқат, шўро аскарларининг фуқаролар уруши йиллари маҳаллий аҳолини беаёв, шафқатсиз қирғин қилганликлари ҳақида тарихда кўплаб мисоллар мавжуд. Бир мисол. Туркистон халқларининг биринчи миллий ҳукумати — Қўқон мухториятини тор-мор этиб, Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларни қонга ботирган большевик, дашноқ жангариларнинг ёвузликларини эсланг... Бундай хунрезликлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида, хусусан, Бухорода, Хоразмда, Фарғона водийсининг кўплаб жойларида содир этилган.

Жиноятчилар бу ваҳшийликлар вақт ўтган сари унутилиб кетади, дея хомхаёлда юришган. Ҳолбуки, халққа нисбатан қилинган ҳақсизлик, зулм, қатлиомларни ҳеч қачон халқ хотирасидан сидириб ташлаб бўлмайди...

Ражабгарди қишлоғида 83 ёшли кекса деҳқон Қувватали ота Расулов ўз ота-онаси, ўша фожиага гувоҳ бўлган бошқа улуғ ёшли кишилардан юқоридаги қирғинбарот ҳақида сўраб-суриштириб, яширинча ёзиб юрган экан.

— Қачонлардир шу кунларга етишимиз, ота-боболаримизни бегуноҳ қатл этган қонхўрлар албатта фош этилишига ишонардим, — дейди у. — Бахтимизга Ватан мустақил бўлди, қуллик занжирлари парчаланди, Ражабгарди ва Ўқчи фожиаси ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш пайти келди!

Қувватали ота оддий деҳқон, узоқ йиллар пахтачилик, боғдорчилик бригадаларига бош бўлган инсон, иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ҳозирда йигирмадан ортиқ невара-чеваралари бор. Унинг ҳатто ўрта маълумоти ҳам йўқ. Аммо, қалбдаги Ватан туйғуси, босқинчиларга нафрат ҳисси уни ушбу фожиа тарихини ўрганишга, маълумотлар йиғишга ундаган.

... Ўша март ойининг бошларида Ўқчи ва Ражабгарди қишлоқлари тепасидаги тоғ даралари орасига Мадаминбек бошчилигидаги истиқлол курашчилари отрядлари келиб ўрнашган эди. Ўз махфий хизмати орқали бу ҳақда хабар топган Қўқондаги Қизил Армия гарнизони қўмондонлиги шу томонга кўп сонли, яхши куролланган қисмларни юборади.

Эрта баҳор. Қир-адирларда бойчечак гуллаб, ўриклар шоҳлари анор доналаридай қип-қизил куртакларга бурканган. Бу тепаликларда ҳар баҳорда Пайшкон деб номланган ҳашар урф бўлган. Пайшқон кунлари теварак-атрофдаги аҳоли Сўх дарёсидан тортилган Ҳасан ариқ, Оқёзи, Дашработ каби ариқларни тозалашга чиқади. Боиси, Сўх суви лойқа, серқум, экин-текин мавсумида ариқлар ўзанлари қум ва тош билан тўлиб қолади.

Шу куни қишлоқ оқсоқоли, мироб бошчилигида Ўқчи, Ражабгарди қишлоқлари, Яйпан атрофидаги бошқа қишлоқлардан тўрт юз нафар деҳқон пойшконга чиқишган, бўлғуси ҳосил учун оби ҳаёт элтадиган ариқларни яхши ниятлар билан тозалашга тушган эдилар. Кутилмаганда Қўқон тарафдан отлиқ аскарлар тўдаси қора қуюндай ёпирилиб келди. Ҳашарчилар ҳанг-манг, қотиб қолишди. Отлиқлар ҳашарчилар устига келиб тўхтагач, командир олдинга чиқиб, пўписа билан сўради:

— Басмач есть? Где басмач?!

Ҳашарчилар орасида бирорта ҳам русча биладиган одам йўқ эди. Командирнинг нима деяётганини ҳеч ким тушунмади.

— Где басмач?! Говорите, а то... — Таҳдид билан бақирди командир. Одамлар эса жим. Албатта, улар орасида Мадаминбек йигитларини Ўқчи юқорисидаги даралarda макон қурганини биладиганлар бор эди. Аммо, улар ҳам индашмади.

Ўша пайтда ўн ёшда бўлган болакай Ўқчи қишлоғилик мулла Ҳаким Ҳошимов шундай эслайди:

— Қизил командир деҳқонларнинг ҳаммасини босмачи, чопони тагида қуроли бор деб шубҳаланади. Иттифоқо, бир ҳамқишлоғимиз, Бердибойвачча деган одам худди шу маҳалла қишлоқ этагидаги тўқайзорда ов қилиб юрган экан. Қўқондан саллот келганини билмаган. У қўшоғиз милтиқдан паррандами-даррандагами қаратиб кетма-кет ўқ узиб қолади. Қизил аскарлар ўша ондаёқ қиличларни суғуриб, бегуноҳ одамлар устига от солиб, уларни чопа бошлайдилар...

Талотўп, дод-вой кўтарилади, ҳамма ҳар қаёққа қараб тирқираб қочади. Аскарлар қочганларни қувиб етиб қилич солаверадилар, узоқроқ кетганларни отиб ўлдирадилар. Ариқ юқорисидаги миробхонада бир уй одам тушлик қилиб ўтирган экан, уларни ҳам дастурхон устида чопиб ташлайдилар. Дашработ, Яйпан ариқлари одамлар мурдаларига тўлиб кетди. Биз ёш бола эдик, элас-элас эслаймиз. Қўшни қишлоқлардан келган ҳашарчиларни қариндош-уруғлари олиб кетиб, ўзларида дафн этишди. Шу ерлик ва бошқа олиб кетилмаган марҳумларни тўплаб, шаҳидлар қатори, уст-бошлари билан ариқ ёқасига кўмишган. Ўшандан буён тепаликка айланиб қолган бу жойни номи «Шаҳидмозор» бўлиб қолган.

91 ёшли бу табаррук қариянинг ҳикоясини тенгдоши Хайрулло ота Абдуллаев ҳам қувватлайди:

— Қирғиндан кейин бу мозорга бирор киши ҳам дафн этилмаган. Ўшанда жуда кўп уйларга ўт қўйилган. Қариялардан эшитганмиз, молхоналарда жизғанак бўлиб ётган мол-қўйларни даштга олиб чиқиб кўмиб ташлаганлар, ариқлар тўла ўликларни кўп айтишган. Ҳозир ҳам ўша даврлар эсланса, «Дашработ» ариғида қон оққан йиллар» дея гапирилади. Бу жойда шундай даҳшатли ишлар бўлиб ўтган. Шўро ҳукумати буларнинг ҳаммасини яширган. Биз билсакда, айтолмаганмиз...

— Ражабгардилик Олимхўжа Маназаров ўша йиллар «қўшчилар союзи» ташкилотида етти йил котиб ва ер тузувчи бўлиб ишлаган, — дейди Қувватали Расулов. — Мен Олимхўжа акани яхши билардим. Ўқимишли, тарихчи бу одам юқоридаги фожиа ҳақида менга кўп нарсаларни айтиб берган.

Ўшанда отишмадан хабар топиб, Мадаминбек йигитлари, Ўқчининг Даштқишлоғига етиб келганлар. Қизиллар отряди билан аёвсиз жанг бўлган. Қизил отряд командири ва тўрт нафар қизил аскар ўлдирилган. Шундан кейин Ўқчи ва Ражабгарди қишлоқлари аҳолисини беаёв қирғин қилиш бошланган. Ражабгарди қишлоғининг ўзидан 170 нафар эркак отиб ташланган. «Хўжатўпи» маҳалласида 4 нафар аёл 17 та ёш бола билан ер тўлага яшириниб олишган экан. Қизил аскарлар ертўлага ўт қўйиб, эшикни маҳкам тамбалаб ташлашган. Аёллар ва болалар ертўла ичида ёниб кетишган... Ўша куни 62 та уйга ўт қўйилган.

— Қурбонларнинг умумий сони 700 нафардан ортиқ бўлган. Бу ҳақда аниқ маълумотлар мавжуд. «Шаҳидмозор»ни обод қилиш, ўтганлар руҳини хотирлаш масаласи кўтарилгандан сўнг ўнлаб кишилар шу жойда оталари, боболари, момолари, қариндош-уруғлари қатл этилганлиги, уларнинг исми-шарифлари ҳақидаги маълумотларни бизга тақдим этдилар, — дейди «Нуроний» жамғармаси Ўзбекистон туман бўлинмаси раиси Анвар хожи Эркабоев.

Ҳа, ўтган аср бошларида манфур тузум шотирлари ана шундай қонли, даҳшатли жиноят содир этганлар. Бу шўролар тузуми халқимиз бошига солган даҳшатли қирғину-қатағонлардан бир томчи, холос.

Вилоят «Нуроний» ҳамда «Шаҳидлар хотираси» жамғармалари, туман ҳокимлиги ташаббуси билан Ўқчи ва Ражабгарди қишлоқлари фожиаси қурбонлари хотирасини тиклаш ишлари бошланди. Шу йил 26 август куни «Шаҳидмозор» яқинидаги чойхонага юзлаб кишилар йиғилдилар. Улар қишлоқ фахрийлари, шаҳидларнинг авлодлари, вилоят ва туман жамоатчилиги вакиллари эдилар. Хотирлаш маросимида ўша қурбонлар ёдланди. Улар руҳига Қуръон тиловат қилинди. Элга ош тортилди. Бегуноҳ шаҳид бўлган юртдошлар хоки ётган муқаддас масканни обод қилиш, мемориал ёдгорлик ўрнатиш, бу ерни зиёратгоҳга айлантириш режалари тузилди. Бўлажак мемориал ёдгорликнинг уч хилдаги лойиҳаси йиғилганларга намойиш этилди. Улардан энг маъқули қабул қилиниб, қурилишга оқ фотиҳа берилди.

Ушбу тадбирдан қайтаётиб, мустақилликка осонлик билан эришмаганмизга имон келтираман. Ўзбекистон деб аталмиш бу буюк юрт тупроғи ота-боболаримиз муборак қони билан ҳам суғорилганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан. Истиқлол қадри, Ватан озодлиги, миллат эркинлиги ҳақида ўйлар эканман, ҳеч қачон шу оддий ҳақиқатни ёддан чиқармаслигимиз зарурлигини янада чуқурроқ англагандай бўламан.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ОТУВДАН СЎНГ... ҲУКМ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Воис Раҳимий бундан роппа-роса 100 йил аввал Хивада савдогар оиласида дунёга келган. Уларнинг уйида доимо қоғоз-қалам ва турли китоблар бўларди. Воис Раҳимий ота-онасининг илмга қизиқишлари туфайли болалигиданоқ ҳарф таниб, ўқиш ва ёзишни ўзлаштириб олди. У ўн олти ёшида ўрта маълумот олиб, мактаблардан бирида ўқитувчилик қила бошлади. Унинг илмга қизиқиши, тиришқоқлиги, ғайрати раҳбарлар эътиборига тушиб, 1920 йилда партия аъзолигига қабул қилинди.

Ўша пайтдаги республика раҳбарларидан бири Акмал Икромов илмсевар ва миллатпарвар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ардоқларди. У 1928 йилда Воис Раҳимийни Самарқанд округкомига котиб қилиб тайинлади. Орадан икки йил ўтиб ёш, шижоатли Воис Раҳимий Тошкентга қайтиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасига (1930) бош муҳаррир этиб тайинланади.

Ўзбекистон зиёлиларининг 1927 йил Самарқандда бўлиб ўтган биринчи қурултойида собиқ жадидчилар ғояси қаттиқ қораланиб, унинг тарафдорлари совет ҳукумати ва партия душманлари эканлиги таъкидланади. Қурултойдан кейин бошланган қатлиом бўрони собиқ СССР Олий суди тегирмонини беаёв айлантирар, қатағон «машинаси» ўзбек зиёлиларини ўз домига тортар миллатпарвар инсонлар миллатчиликда айбланиб, ёппасига қама-қамалар авжига чиққан эди.

Бошланган, аллақачон кўпларни маҳв этган қатағон «тўфон»и Воис Раҳимийни ҳам йиқитишга уринди. У раҳбарлик қилаётган газета саҳифаларида марказ ва партия сиёсатини тарғиб этишга оид мақолаларнинг кескин камайиб кетганлиги бунга сабаб бўлди. НКВДдан келган чақирув қоғозлари, кетма-кет сўроққа тутишлар уни руҳан эза бошлади. Акмал Икромов қанчалик қалтис бўлмасин Воис Раҳимийни қутқариб қолиш мақсадида уни зудлик билан Москвага ўқишга юборади.

1933 йилда Воис Раҳимий ўқишдан қайтиб келгач, Фарғона пединститутига директор этиб тайинланади ва 1937 йилгача шу лавозимда ишлайди. Аммо у партия аъзолигидан чиқарилгач, институт директорлиги лавозимидан ҳам бўшатилади.

Воис Раҳимий яна Акмал Икромовнинг саъй-ҳаракати билан партияга қайта тикланади ва Қўқонга ишга юборилади. У ерда кўп ишламай Тошкентга чақиртириб олинади. Марказқўм тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи Мўмин Усмонов таклифига биноан у Ўзбекистон жумҳурияти МК Бош таҳририятига муҳаррир этиб тайинланади. Воис Раҳимийга марксизм классикасини таржима қилиш ишлари юкланади. Кейинчалик унинг таржималари синчковлик билан текширилиб, таржима қилинган адабиётлардаги ғоянинг туб моҳияти атайлаб ўзгартирилганлиги ва миллатчилик руҳида ёзилганлиги «аниқланади».

...Унинг ҳатто ўз уйи ҳам йўқ эди. Воис Раҳимий «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ижарада яшарди. 1937 йилнинг 6 август куни у ишдан ҳориб келиб, рафиқаси ва ўғли билан кечки овқатга ўтирган пайтида ҳибсга олинади. Ўшанда у сўнгги бор жажжи ўғилчасини бағрига босган эди.

Терговчи аввало уни «сотган»ларни санаб ўтди. Улар ҳақиқатан ҳам Воис Раҳимийнинг устозлари, бирга ишлаган дўстлари эди. У номлари зикр этилганларни таниши ҳақида кўрсатма берди. Ҳужжатда эса яширин контрреволюцион ташкилот аъзолари сифатида қайд этилди. Узоқ давом этган тергов сўнггида ҳолдан тойган маҳбус тергов ҳужжатларида қайд этилган айбловларга жонсиз қўлларини базўр бўйсиндириб имзо чекади...

Бир йил давомида олиб борилган тергов ишлари натижасида Воис Раҳимий миллатчиликда айбланиб, иши СССР Олий судига оширилди.

СССР Марказқўмининг 1934 йил 1 декабрдаги қарорига биноан суд ҳеч қандай гувоҳлар иштирокисиз, 1938 йил 4 октябрь куни соат 19.05 да бошланиб, 19 дан 25 дақиқа ўтганда ҳукм ўқилди. Йигирма дақиқа ичида бир инсон тақдири ҳал бўлиб, у олий жазо — отувга ҳукм қилинади.

Миллатпарвар маърифатчи Воис Раҳимий навқирон ўттиз тўрт ёшида ҳаётдан кўз юмди. У умрининг сўнгги дақиқасигача ўз халқи, миллатига содиқ қолди.

Орадан ўн тўққиз йил ўтиб, ҳақиқат қарор топди. 1957 йилда СССР Олий суди Воис Раҳимий ишини қайта кўриб чиқиб, унинг ҳаракатларида ҳеч қандай жиноят белгилари йўқлигини аниқлади. Эълон қилинган ажримга мувофиқ Воис Раҳимий айбсиз деб топилиб, ҳукм бекор қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси МХХ Жамоатчилик билан алоқа бюроси**

# ЭРК ДЕБ ЖОНДАН КЕЧГАНЛАР

Пичан ортилган эшагига сўз қотиб бораётган Мамажон отага отлиқ раҳбар ўшқиради:

— Ҳой қария, ўғлингга айт, комсомол бадалини тўлаб қўйсин. Чол тердан ивиган соч-соқолини артаркан жавоб қайтаради:

— Комсомолингга ўғлим аъзо бўлган, мен эмас. Йўлингда ишлаб турибди, ўзига айта қол...

Фирқа фаолига шундай жавоб керак эди. Қир қиялигига етиб шериклари билан тушлик қилаётган отани «халқ душмани» дея эълон қилиб, ҳибсга олишади. Шу-шу Мамажон отани ҳеч ким қайтиб кўрмади...

Бугун тарих саҳифаларига битилган бу каби мудҳиш архив ҳужжатлари кўплаб топилади.

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейида бўлиб ўтган «Эрк деб шаҳид бўлганлар» мавзуидаги тадбирда Мустақиллигимиз бутун бўйи-басти, қадру мадҳи билан намоён бўлди, десак янглишмаймиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари, шоир Зиёвиддин Мансуров бошқарган даврада жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Машъум 37-йилнинг қора тамғаси билан ноҳақ хўрланган Чўлпон, Усмон Носир, Муҳаммадшариф Сўфизода, Муҳиддин Шохимардонов, Рафиқ Мўмин, Исмоил ҳофиз Булбулқори сингари миллатпарвар, маърифатли ҳамюртларимиз хотирланди. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятининг ибратли жиҳатлари тилга олинди. Учрашувда Наманган давлат университети доценти Бахтиёр Исҳоқовнинг сермазмун маърузаси, қатағон қурбонларининг авлодлари томонидан айтилган хотиралар, кечинмалар иштирокчилар қалбини ларзага солди.

Тадбир сўнггида Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театрида спектакль намойиш этилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЭЗГУЛИККА ЎЛИМ ЙЎҚ

Журналист ва таржимон Аъзам Аюбни замондошлари, кекса матбуотчилар сира иккиланмай «У матбуот учун туғилган инсон, таҳрир заргари, сарлавҳа қўйиш қироли» деб аташган. Унинг «Ўзбекистон овози»нинг салафлари бўлмиш «Қизил байроқ», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон»даги фаолиятини, айниқса, ушбу газетанинг нашри бўлган «Камбағал деҳқон», «Ер юзи», «Машъала» ва «Гулистон»нинг ташкилий-нашр ишларидаги жонбозлиги юксак қадрланади.

Аъзам Аюб 1904 йил 21 августда Тошкентнинг Раис кўча маҳалласида туғилган. 1918 йилда «Намуна» мактабида Фитрат ва Қаюм Рамазондан сабоқ олади. У ўз фаолиятини 1919 йилда «Турон» кутубхонасида бошлайди, бўш қолди дегунча ўзбек, рус, турк тилларидаги китобларни мутолаа қилади. Кундалик матбуот билан мунтазам танишиб боради. Аъзам Аюб арзимаган даромади билан уч кишидан иборат оиласини боқар, бироқ уни рўзғордан кўра матбуот кўпроқ қизиқтирарди. Шу боис кутубхонага келадиган «Иштирокиюн», «РосТА» деворий газеталарида бериладиган мақолаларни эътибор билан кузатиб боради.

Ёш бўлишига қарамай, Аъзам Аюб ушбу нашрларни шаҳардаги биринчи сонли мусулмон босмахонасида босилишини эшитиб, таҳририятга қатнай бошлайди. Газетанинг Мирмулла Шермуҳаммад, Чўлпон, Ғози Юнус каби муҳаррирлари билан танишади. Тез орада у таҳририят ходимларининг эътиборига тушади ва «Иштирокиюн» газетасига мусаҳҳиҳ ёрдамчиси бўлиб ишга киради.

Аъзам Аюб 1920 йил ўрталарига келиб Ёш бухороликларнинг «Тонг» журналига мақолаларни оққа кўчирувчи котиб-мирза сифатида қабул қилинади. Бир йўла икки нашрда ишлаб, Ғози Юнус, Вали Алломов, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитратдан адабиёт, санъат, бадиий ижод сирларини, таҳрир маҳоратини ўрганади. Шундан сўнг «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газеталарида адабий ходим бўлиб ишлайди, кейинчалик ушбу газеталар ўрнига чиқа бошлаган «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул котиб лавозимида хизмат қилади.

Ушбу газета таниқли адиблар — Абдулла Қодирий, Фитрат, Элбек, Ойбек, Боту ва бошқалар келиб турадиган, ўзаро фикр алмашадиган манзил эди. Газетада қаламкаш сифатида танила бошлаган Аъзам Аюб бу адиблар билан тез-тез мулоқотда бўлади. Натижада унинг матбуотга бўлган қизиқиши тобора ортади. Аъзам Аюб матбуотда ишлаш учун фақат амалий тажриба етарли эмаслиги, олий таълим зарурлигини англайди. Шу боис аввал ўрта мактабни тугатади, сўнг САГУнинг ижтимоий фанлар факультетида ўқийди. Ўқишни тугатгач, 1925 йилда ташкил этилган Қўшчи уюшмасининг «Камбағал деҳқон» (1930 йилдан «Колхоз йўли») газетасида масъул котиб лавозимида ишлайди. У газетанинг тили, эълон қилинаётган мақолалари ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун кўп меҳнат қилади. Бу билан кифояланмай «Қизил Ўзбекистон» газетасининг иловаси бўлган «Ер юзи» суратли журналига ҳам масъул котиблик қилади.

Дунё маданияти, ижтимоий ҳаёти, жаҳон адиблари фаолияти ва асарлари билан ўзбек ўқувчисини илк бор таништирган бу журналнинг сермазмун чиқишида Аъзам Аюбнинг хизматлари катта эди. Бу ҳақда қаламкашнинг укаси, таниқли журналист Ориф Аюпов шундай деганди: «Аъзам ака шу журналнинг ташкилотчиси ва биринчи масъул котиби ва амалда биринчи муҳаррири бўлиб ишлади. Ушбу журнал «Машъала», «Гулистон» номи билан чиқа бошлаганда у муҳаррир ўринбосари эди».

Аъзам Аюб фақат матбуот билан кифояланмай, ўша давр адабий ҳаракатига фаол аралашишга интилган. Даврий нашрларда санъат ва адабий ҳаётга доир қатор тақризлар эълон қилган. У ўз мақолаларига «Аъзам Айюб», «Чиғатой», «Аъзам», «Аюб», «Жимит», «Газетчи» деб имзо чеккан.

Таниқли журналист газетанинг қизиқарли чиқиши учун «адабиёт ва санъат» саҳифасини ташкил этган ҳамда уни ўзи бошқариб борган. Ориф Аюповнинг хотиралашича, акаси Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла каби шоирларни бу саҳифани жонлантириш учун таклиф этган. Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Элбек, Собира Холдорова, Отажон Ҳошим, Ҳосият Тиллахонова, Саодат Шамсиева ва бошқалар ҳам тез-тез шу саҳифанинг меҳмони бўлишган. Аъзам Аюбнинг ўзбек киносининг илк йирик маҳсулоти — «Равот қашқирлари» фильми ҳақида уюштирган баҳси газета тарихида ўчмас бўлиб қолди. Бу баҳсда Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Комил Алиев каби таниқли қаламкашларнинг мулоҳазалари газетанинг обрўсини ошириб, ўша вақтда ўқувчилар эътиборини тортган.

Аъзам Аюб ўз ижоди давомида миллат, халқ манфаатини ҳимоя қилган кўплаб мақолалар, ҳикоялар ёзган. У таржима соҳасида ҳам ўзига хос из қолдирган. Чунончи, у Гольдонининг «Меҳмонхона бекаси», Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асарларини русчадан таржима қилган.

Афсуски, мустамлака тузум таржима соҳасида изчил фаолият бошлаган қаламкашнинг ҳаёт ва ижод йўлига қонли нуқта қўйди. Матбуотчи сифатида эндигина элга танилиб бораётган Аъзам Аюб 1937 йил 15 октябрь куни асоссиз равишда қамоққа олинди. Ижодкор сохта «Ёш юраклар» уюшмасининг аъзоси, 1929 йилдан аксилшўро, қўпорувчи, буржуа миллатчи, Ўзбекистонни шўро ҳукуматидан айириб олишни мақсад қилган махфий ташкилот аъзоси, деган туҳмат-айбловлар билан 1938 йил 4 октябрь куни олий жазога тортилди. Ўшанда у эндигина 34 ёшга кирган эди.

Халқимиз «Ҳақиқат синмас, олтин зинграмас», дейди. Шўролар салтанати қулаш арафасида Аъзам Аюб тўла оқланди. Эзгуликка ўлим йўқ, деб шуни айтсалар керак.

**Сирожиддин АҲМАД**

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев бошқарди..

Парламент сайловини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш борасидаги масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, жумладан, сайлов комиссиялари учун бинолар ажратиш, уларни телефон алоқаси ва транспорт билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида кўрсатилганидек, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига текин бериб туришлари шарт.

Сайлов жараёнида ошкораликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Марказий сайлов комиссиясининг Ҳаракатлар дастури доирасида ушбу комиссиянинг матбуот марказини, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида матбуот марказларини очиш мўлжалланмоқда.

«Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланажак шаффоф сайлов қутиларининг макетлари намойиш этилди. Барча сайлов участкалари бир хил намунадаги шундай сайлов қутилари билан таъминланади.

Мамлакатимизда шу йил декабрь ойида илк бор икки палатали парламентга ўтказиладиган сайловга қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Бўлажак сайловда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кўплаб кузатувчиларнинг иштирок этиши кутилаётир. Марказий сайлов комиссияси чет эл кузатувчиларининг ишлаши учун зарур шароит яратиш борасида тадбирлар режасини тайёрлади.

Марказий сайлов комиссиясининг халқаро Интернет тармоғидаги веб-сайти тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Мажлисда, шунингдек, комиссиянинг ваколатига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла раҳбарлигидаги делегация аъзолари 29 август куни мамлакатимизнинг қатор идора ва муассасаларида бўлди.

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаролар уруши туфайли барча соҳаларда инфратузилма бутунлай издан чиққан эди. Айни пайтда мамлакат халқаро ҳамжамият, жумладан, Ўзбекистон кўмаги билан тикланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси раиси Рустам Юнусов билан учрашувда икки мамлакат ўртасида транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, биргаликда қурилиши режалаштирилаётган Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлининг лойиҳасига доир масалалар муҳокама этилди.

Таъкидлаб ўтиш керак, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида транспорт ва коммуникация соҳасидаги алоқалар айниқса тез ривожланмоқда. Трансафғон йўлагининг барпо этилиши нафақат мамлакатларимиз, балки минтақадаги бошқа давлатларнинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг халқаро денгиз йўлларига чиқишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон томони трансафғон йўлаги борасида музокаралар бошланишидан анча олдин Афғонистондаги коммуникация тармоқларини тиклашда бу мамлакатга ёрдам беришни бошлаб юборган эди. 2003 йилда ўзбекистонлик мутахассислар Афғонистон ҳудудида ўнта кўприкни қуриб, фойдаланишга топширди. Автомобиль йўллари ва кўприкларнинг бунёд этилиши ушбу мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга эканини ҳисобга олсак, Ўзбекистоннинг ёрдами Афғонистон учун қанчалик муҳим эканини англаш қийин эмас. Хусусан, сўнгги йилларда Термиз-Ҳайратон кўприги орқали 2,5 миллион тоннадан ортиқ инсонпарварлик юки Афғонистонга етказиб берилди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосарлари — иқтисодиёт вазири Рустам Азимов ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашиб, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, бу соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Афғонистонда «Толибон» ҳукмронлигига барҳам берилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ўтган давр мобайнида мамлакатда иқтисодиётни тиклаш, аҳолини иш билан таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини оёққа турғизиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Узоқ вақт давом этган фуқаролик уруши оқибатларига барҳам бериш жараёни осон кечаётгани йўқ. Бунда Афғонистон халқаро ҳамжамият, хусусан, Ўзбекистоннинг кўмагига таянмоқда.

Мулоқот чоғида Афғонистондаги вазият, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Афғонистон ҳукуматлари ўртасида транзит ва транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Афғонистон ҳукуматлараро комиссиясини тузиш ва икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

●●●

30 август куни «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясида Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли қурилиши лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати делегацияси, АҚШнинг Central Asian Partners компанияси вакиллари ва мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси раиси Рустам Юнусов лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида сўзлаб, йиғилганларни мамлакатимизнинг темир йўл транспорти инфратузилмаси билан таништирди.

Таъкидламоқ жоизки, «Ўзавтойўл» компанияси вакиллари шароит мураккаблигига қарамай, Афғонистон ҳудудида Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли қурилиши учун зарур геологик ва геодезик тадқиқотларни ўтказишга муваффақ бўлди. 2004 йилда ўзбек мутахассислари АҚШ компаниялари билан ҳамкорликда ушбу транспорт тармоғи лойиҳаси учун дастлабки техникавий-иқтисодий ҳужжатларни тайёрлади.

Central Asian Partners компанияси раҳбари Лоуренс Курландер АҚШ ҳукумати Афғонистонга темир йўл қурилишини молиялаштириш учун 140 миллион доллар миқдорида беғараз ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқаётганини маълум қилди. «Ўзавтойўл» компаниясининг лойиҳани яратишдаги хизматларини юқори баҳолади.

Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли Ўзбекистон, АҚШ ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ўзига хос восита бўлиб қолишига ишонч билдирди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан*

# ЎЗХДП — ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИ ТАРАФДОРИ

Аёл — она, аёл — уйимиз бекаси, аёл — турмушимиз гўзаллиги ва албатта, нафислик тимсоли. Биз аёлларга оид қандай ишни амалга оширмайлик, унинг бош мақсади аёлларни эъзозлаш, уларнинг соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилади. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган аёллар ўртасидаги спорт мусобақаси фикримизга далилдир.

Юртимиз мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлаш арафасида — 27-28 август кунларида Чирчиқ шаҳридаги «Электрокимёсаноат» ҲЖ боғи ва «Кимёгарлар» ўйингоҳида ўтказилган спорт мусобақалари чирчиқлик аёллар учун ҳақиқий байрамона тус олди. Аёллар ўртасидаги бу ўйинларнинг дастлабки босқичи маҳаллалар ўртасида бўлиб ўтган эди. Унда саралаган ҳаваскор спортчи хотин-қизлар спортнинг етти тури бўйича беллашдилар. Мусобақалар қизғин курашлар остида ўтди. Шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, баскетбол, бадминтон ҳамда енгил атлетика мусобақаларида ёш қизалоқлардан тортиб нуроний онахонларимизгача фаол иштирок этдилар.

— Бу тадбирнинг мақсади фақатгина спорт ва унинг тарғиботи эмас, — дейди Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ойниса Мусурмонова. — Аёлларимизга соғлом турмуш тарзини, оилалар, маҳаллалар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни, тотувлик ва бирдамликни, бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатни қарор топтиришдир. Бугунги тадбиримизнинг «Ўзбекистон халқ демократик партияси — хотин-қизлар саломатлиги тарафдори» шиори остида ўтаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки партия ташкилотлари томонидан бу борада кўпгина ижобий ишлар амалга оширилаяпти.

Тадбир ниҳоясида мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган қатор ташкилотлар раҳбарлари мусобақа иштирокчиларини истиқлолнинг 13 йиллиги ҳамда мазкур спорт байрами билан табрикладилар.

**Аслиддин РУСТАМОВ, ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби:**

— Мусобақа давомида шу нарсага амин бўлдимки, Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Зулфияхоним каби жасоратли, оқила, иродали аёллар юртимизда бугун кўплаб топилади. Спорт ўйинларида оддий уй бекалари, қизларнинг кўрсатган маҳоратларини кўриб, қалбимда фахр-ифтихор туйғулари жўш урди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, уларни давлат ва жамият қурилишининг муҳим жабҳаларига жалб этиш ишлари тўхтамайдиган жараён бўлиши лозим. Шу каби оммавий, маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш уларнинг иштирокчиларига ҳам, ташкилотчиларига ҳам фаоллик ҳамда шавқ-завқ бағишлайди.

Шунингдек, партия раҳбари Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йиғилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг маҳаллаларда оилавий спортни ривожлантириш масалалари ҳақида айтган фикрлари, ЎзХДП Дастурининг асосий мазмуни, унда белгиланган аёллар сиёсати, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш борасида партия олдида турган вазифалар хусусида тўхталди.

**Шоҳида ИРИСМЕТОВА, Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Бу спорт мусобақалари чирчиқлик хотин-қизлар учун муносиб байрам совғаси. Шу кунгача биз аёллар иштирокида қатор тадбирларни ўтказдик. Лекин бу спорт беллашувининг ташкил қилиниши улар учун кутилмаган воқеа бўлди. Маълумки, соғлом авлод соғлом онадан дунёга келади. Бу мусобақалар оналар, хотин-қизларни соғломлаштириш, уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун ташкил қилинди. Тўғри, мусобақада қатнашаётганлар спортчилар эмас, лекин у хотин-қизларимизга турмуш ташвишларидан озгина ҳоли бўлиб, завқ олишларига имкон яратди.

— Буларнинг ҳаммаси истиқлолнинг, тинчлик ва осойишталикнинг шарофатидир, — деди **ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши биринчи котиби Дониёр АЗИЗХЎЖАЕВ.** — Бугунги тадбир бизнинг бошланғич ҳаракатларимиздир. Шу йўналишда қатор ишларни режалаштирганмиз. Уларнинг рўёбга чиқиши хотин-қизларимизнинг фаоллиги, саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ.

Шундан сўнг спорт мусобақалари ғолиблари эълон қилинди. Волейбол бўйича шаҳар халқ таълими бўлими командаси биринчи ўринни олган бўлса, Азиза Қўчқорова шахмат бўйича барча иштирокчилардан устун келди. Мария Сиякина стол тенниси, Заргиёр Умурзоқова каратэ йўналишлари бўйича яхши натижаларни кўрсатдилар. Биз ғолибларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Азиза ҚЎЧҚОРОВА, шахмат бўйича биринчи ўрин соҳибаси:**

— Мусобақанинг менга ёққан жиҳати шу бўлдики, биз бир-биримиз билан рақиб сифатида эмас, дўст бўлиб, ҳамжиҳатлик билан беллашдик. Мен ғалаба қозонганимдан ҳам кўпроқ мириқиб дам олганлигимдан, дўстларим кўпайганлигидан жуда ям хурсандман.

**Мадина РАҲМОНОВА, теннис бўйича биринчи ўрин соҳибаси:**

— Албатта, ҳар қандай жаҳон чемпиони ҳам ғолибликни ўз маҳалласи, шаҳридан бошлайди. Янг-янги истеъдодларни мана шундай мусобақалар кашф этади.

Ғолибликни қўлга киритган барча биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибалари, энг яхши маҳалла ва ташкилотлар командалари, энг фаол иштирокчиларга қимматбаҳо ва эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Тадбирда ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов иштирок этди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Бинокор» маҳалласида ЎзХДП туман кенгаши, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари бўлимлари билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган **«Ҳеч кимга бермаймиз сени, жон Ўзбекистон!»** шиори остида маърифий тадбир ўтказилди. Унда бўлиб ўтган Олий Мажлис XV сессиясида мамлакат Президенти И.Каримов чиқишида

# «ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЖОН ЎЗБЕКИСТОН!»

баён этилган муҳим вазифалар, қоида ва хулосалар катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Туман ҳокимининг ўринбосари А.Мамадиев, партия Марказий Кенгаши масъул ходими Н.Тоиров, Ўзбекистон ХДП Ҳамза туман кенгаши биринчи котиби Ш.Файзиев, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси О.Шоумаров, «Бинокор» маҳалласи раиси Ў.Ҳайитбоев, мазкур маҳалла фахрийлари маркази раиси Ф.Кулкенко, «Ипак йўли» корхонаси раҳбари З.Файзибоев, Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими раиси С.Актабаева ва бошқалар ўз сўзларида халқимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқлар, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб, нуфузи ошиб, мавқеи мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида, шу билан бирга бизнинг тинч ҳаётимизни кўра олмаётган ёвуз кучлар борлиги, уларга қарши курашиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Тадбир ниҳоясида маҳалла аҳли учун байрам дастурхони ёзилди, ҳаваскорлар ижросида концерт кўрсатилди, бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларига ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

